



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 2 июль, чоршанба • № 52 (10.930) • Эркин нархда сотилади

АБАДИЙ ПОРЛАЙВЕР, ВАТАН ТИМСОЛИ!

Бугун Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби қабул қилинганга беш йил тўлди

ИСТИҚЛОЛ! МУСТАҚИЛЛИК! Бу сўзларнинг тилимизга кириб келганига олти йил бўлди. Яна бир гап. Кеча бу сўзларни шунчаки айтадиган одамлар бугун бунинг мазмун-моҳиятини чуқурроқ англаш бошладилар. Мустақилликнинг қадр-қимматини вужуддан тушуниб етмоқда. Сўзсиз, бунда, аввало, республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва тараққиёт тамойиллари бераётган самаралар ўз таъсирини кўрсатаётган бўлса, давлат рамзи, миллат ифтихори бўлган байроғимизнинг жаҳон узра хилпираши, мадҳиямизнинг янграши, туғро-гербимизнинг нурафшон товланиши дилимизга ўзгача ҳаяжон, ўзгача севинч бахш этмоқда.



«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИГАН ЎЗ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ — БАЙРОҒИ, ГЕРБИ ВА МАДҲИЯСИГА ЭҒА».

Бу сатрлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Давлат суверенитети» деб номланган 1-бобининг 5-моддасида алоҳида қайд этилган. Мана шунинг ўзидек давлат рамзларининг мустақил мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Бугун биз учун ана шундай унутилмас саналарнинг бири. Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинганлигига беш йил тўлди.

Тарихдан маълумки, дунёда ҳар бир давлат ва миллатнинг ўзига хос, ўзига мос ўрни бўлади. Давлат герби ҳам Ўзбекистон ва ўзбек хал-

қининг ана шу нуфузларини намоян этиб келаятган муқаддас рамзидир.

Герб марказида қанотларини мағрурона ёйган Хумо кўши эркесвар ортимида тинчлик, хотиржамлик, оқсоқилликнинг дарақиси сифатида намоян. Қўш боши узра заррин нурларини сочаётган қўёш ўлкамизда бунёд этилаётган баракали, мазмун ҳаёт тимсоли сифатида эътиборни тортади. Тасвирда ўз аксини топган тоғлар, дарёлар, бугдой бошоқлари, чаноклардан балқиб турган лўппи пахталар Ўзбекистоннинг беқеъс бойликлари рамзидир. Гербда ифода тоған саккиз қиррали белги-мусамманда ҳаётимизнинг турли йўналишларини бир оғза бириштиради. Ой ва юлдузлар эса байроғимиздаги белгилар нишонасидир.

Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон XXI аср

лантириш ва улардан оқиллона фойдаланиш йўлидаги сай-ҳаракатлар ўз истиклолининг олти йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўраётган мамлакатимизда улкан ўзгаришлар ясашга, ўзбек маданиятининг умуминсоний моҳияти, маънавий, руҳий қадриятларининг, миллий ўзлигини англашнинг тикланишига олиб келди.

Бугун Ўзбекистон ўз гербидан ифодасини топган пахтасини тасарруф этмоқда. Фалла мустақиллигини таъминлаш учун замин ҳозирламоқда, ўз аҳолисини, тўғри йўналишда ишлаб чиқаришда, қўйинчи, Менделеев жадалига кўрсатишда барча ноёб маъданлар мавжуд она-заминдаги табиий захираларни ўз халқи манфаати, фаровонлиги йўлида сарфламоқда. Барқарорлик, тинчлик, тоғуллик, хотиржамлик унинг ички сивасидаги бош бўғин бўлмоқда. Буларнинг ҳаммаси халқимизнинг турмуш тарзида ўз аксини топмоқда.

Ўзига хос ташқи сивасат, жаҳон ҳамжамиятига ўз овозини, нуфузи билан тенглик асосида ҳамкорлик ширини остида кириб бориш йўлидаги сай-ҳаракатлар бераётган мевадар ҳам тобора салмоқли бўлиб

бораётир. Президентимиз таъбири билан айтганда: «Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонини тан олиши, давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий қадриятлари ва имкониятлари тикланишига, ўзини бошқа халқлар оиласидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига янада куч бахш этди».

Бугунги кунда Ўзбекистонини 165 дан зиёд давлат тан олди. 120 дан ортиқ мамлакат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Пойтахтимизда 35 мамлакатнинг элчихонаси фаолият кўрсатмоқда. Республикаимиз жаҳондаги энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. Буларнинг ҳаммаси юқоридagi фикрларнинг яққол далилидир.

Албатта, ҳали олдимизда турган катта вазифаларнинг қўли кенг. Бу — иқтисодиётдаги ислохотларни охирига етказишдир. Маънавий-маърифий, тарихий қадриятларини янада ривожлантириш, мамлакатни жаҳоннинг етук давлатлари даражасига етказиш, шу билан биргаликда, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, давлат ва миллат ифтихори бўлган рамзларимизни кадрлашдир.

Фатхиддин ФАЗЛИДДИНОВ.

Воқсевар, хабарлар, ширинликлар
«Тошкент ҳақиқати» муҳбирлари хабар қиладилар

ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНМОҚДАЛАР

Шу кунларда жойларда республика Президенти Ислам Қаримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини ўрганишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

КУНИ КЕЧА ана шундай йиғилиш Чирчиқ шаҳрида ўтказилди. Ўзбекистон Фанлар академияси И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори Абулҳафиз Жалолов юртбошимиз янги китобининг асосий аҳамияти тўғрисида маъруза қилди ҳамда йиғилганларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди.

Ф. БАТТОХОВ.

ҚИДИРГАНИНГИЗИНИ ТОПАСИЗ

БўКА тумани марказидаги «Лола» универмага супермаркетга айлантирилгач, замонавий кўринишга эга бўлди. Энг муҳими ундаги маҳсулотлар хили ҳам кўпайди.

Савдо тармоғининг, айниқса, озиқ-овқат, пойабзал ва кийим-кечаклар бўлимига харидорлар эътиборини торта бошлади. Озиқ-овқат бўлимида янги туғилган чақалоқ либосларидан то қариялар учун тикилган ўйлак — яхтақларгача пештахтадан ўрин олган.

Жўра ҲАМРОҚУЛОВ.

ҲАР КУН, ҲАР СОАТ САВОБ ИШ ҚИЛИНСА...

АНА шу ширин остида Уртачирчиқ туманидаги Ким Пен Ха номли халқ корпорациясида вилоят ижтимоий таъминот ходимларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Унда боқувчисини йўқотган, ёлғиз, ногирон ва кам таъминланган оилаларга меҳрмуруват кўрсатишда ўрнатилган 17 нафар ижтимоий таъминот ходимлари қатнашди. Иштирокчилар тўрт шарт — танишув, касб маҳорати, эркин мавзу ва сиёсий бадиий савия бобида маҳоратларини намойиш этдилар.

Паркентлик Сурайё Туропова ғолиб келди. У Андижонда ўтадиган республика кўрик-танловида кўришчи бўлишга қилишга муяссар бўлди ва дам олиш уйига бепул йўланма билан тақдирланди. Иккинчи мукофотли ўринни кўйичиқлик Гулчехра Ғофурова ва учинчи ўринни юқоричирчиқлик Раъно Зокировалар эгаллашди. Вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи Н. Назиров уларга эсдалик совғалари топширди.

Усмонали ҲАМИДОВ.

ИЗЛАНГАНГА ТОЛЕ ЁР

ОҲАНГАРОНДАГИ «Қурилишпластмасс» акционерлик жамиятида асосан ленолеум ишлаб чиқарилади. Аммо, республика кимё саноатида барча имкониятлар бўла туриб, илгари хом ашё МДҲдаги бошқа мамлакатлардан келтирилиш эди. Эндиликда корхона мутахассислари ва кимёгарлар ҳамкорликда ленолеум учун фойдаланиладиган барча дастлабки маҳсулотларни вилоят корхоналаридан топиб ишлашмоқдалар.

Комбинатда маҳсулот ишлаб чиқариш сифати ва салмоғи анча ошди. Шу йилнинг июнь ойидан ишлаб чиқариш қувватлари икки баравар кўпайди. Энди корхона бир йилда 200 минг квадрат метр ленолеум ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди.

«Қурилишпластмасс» акционерлик жамияти, шунингдек, республика ҳукумати кредит тарзида ажратган маблағлардан ҳам ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш учун фойдаланмоқда. ПВХ пленкалари ишлаб чиқариш ҳамда пленкага расм соладиган линияларни ўрнатиш юзасидан Олмония фирмаси билан шартнома тузилди. Булар маҳсулот сифатини кескин ошириш имконини беради.

Раҳим ҚОДИРОВ.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори 1997/98 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига қабул тўғрисида

Замонавий билимлар ва кўникмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, олий маълумот олишда қобилиятли ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ўқув юртларига абитуриентларни сифатли танлаб олиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1997/98 ўқув йилида 21 мингта давлат грантлари белгиланиб, улар таълим йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртлари бўйича тақсимлансин.
2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур грантларни тақсимлаш ҳар бир ихтисос (Ўзбекистон Республикаси мутахассислари тайёрланадиган ихтисос) бўйича давлат грантларига асосан энг оз қабул қилишни таъминлайдиган тарзда амалга оширилади.
3. Қабулни ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг таркиби тасдиқлансин.
4. Ўқув юртларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, давлат тест маркази: абитуриентлар қабулини тест синови натижасида тўпаланган балларни ҳисобга олган ҳолда рейтинг тизими бўйича ташкил қилсинлар.
5. Бир ҳафта муддатда ўзларига қарашли ўқув юртларида грантларни таълим шакллари ва тиллари бўйича тақсимлашни давлат комиссияси тасдиқлаши учун киритсинлар.
6. 1997/98 ўқув йилида давлат грантига кўра ҳар бир ихтисос бўйича белгиланган қабул миқдорининг 100 фоизига қадар доирада тўлов-контракт асосидаги қабул квотаси ўрнатилсин. Бунда юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларидан ҳамда мазкур тоифадаги абитуриентлар ўртасида тест синовларининг натижаларидан келиб чиққан ҳолда улар томонидан таълимнинг тўлиқ қиймати тўланиши кўзда тутилсин.
7. Давлат комиссияси: юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларини ҳисобга олган ҳолда тўлов-контракт асосидаги аниқ ихтисослар ва таълим йўналишлари бўйича қабул қўрсатқичларини кўриб чиқиб, уларга тегишли ўзгаришлар киритсин.
8. Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига талабалар қабул қилиш тартиби ва қондалари тўғрисидаги низомга зарур ўзгаришлар киритсин.
9. Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга республика ўқув юртларида таълимнинг тўлов-контракт шакли тўғрисидаги низомни бир ҳафта муддатда қайта кўриб чиқиб, тасдиқлансинлар ва матбуотда эълон қилсинлар. Низомда контракт шартлари бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлиги оширилиши кўзда тутилсин.
10. Ўзбекистон Республикаси Макroiқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга ҳар йили 1 февралга қадар республика ва минтақаларнинг малакали кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар тайёрлаш бўйича тақлифлар киритсинлар.
11. Молия вазирлиги 1997/98 ўқув йилига белгиланган давлат грантларини ҳисобга олган ҳолда бюджетнинг дастлабки тахминий кўрсаткичларига ўзгаришлар киритсин.
12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1997 йил 1 июль.



ПАХТАКОРНИНГ меҳнати илк самаралари бугунги кунда далаларда дуркун бўлиб ўсаётган ғўза туپларини дон ўзини кўрсатмоқда. Мардулла Ҳасанов бошлиқ жамоа Бекобод тумнидаги «Далварзин» хўжалигининг пешқадамларидан ҳисобланади. 70 гектарлик майдонда ғўза қундан-қунга авж олмақда. Айниқса, пленка тағига экинган беш гектарлик майдондаги экин ҳозирнинг ўзидаёқ қийос гулга кирди. Бундан буёнги парварош ишлари рисоладагидек бажарилса, хирмоннинг баракали бўлиши турган гап. Суратда: бригада бошлиғи Мардулла Ҳасанов, ижарачи Нетьматжон Қорабоев ва жамоа хўжалиги раиси Мўминжон Султонқуловлар навбатдаги дала ишлари ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Фалла мустақиллиги учун

МЎЛЖАЛ ТЎҒРИ ОЛИНГАН ЭДИ

ЗАНГИОТА тумани галлакорлари вилоятда иккинчи бўлиб давлатга дон сотиш буюртмасини бажардилар.

Давлатга белгиланган 3840 тонна ўрнига 4000 тоннадан зиёд юқори сифатли дон етказиб берилди. Ҳар бир гектар ердан 37 центнерга етказиб сифатли дон янчилмоқда. Яна 800 гектар майдонда етиштирилган мўл галла ҳосили турибди. Туман деҳқонлари ўрим-йиғимни жадал давом эттирмоқдалар. Улар ички имкониятларини қайта ҳисоблаб, яна 600 тонна сара дон йиғиштириб олишга қарор қилдилар.

БИРЛИКДАДИР ЮТУҚ БОИСИ

ҚИБРАЙ тумани галлакорлари ҳам маррага етдилар. Улар давлат буюртмаси ҳисобидан 5500 тонна дон топшириб, режаларини ошириб бажардилар.

«Турон» жамоа хўжалиги биринчи бўлиб режасини уддалади. Улар уйган хирмон 650 тоннадан ошиб кетди. Бошқа кўнгина хўжаликлар ҳам яхши натижаларга эришдилар. Жумладан, «Маданият» жамоа хўжалиги 540 тонна ўрнига 639 тонна дон топширди. «Дўрмон»ликларнинг хирмони 800 тоннага етди. Т. Нормухаммедов номли жамоа хўжалиги топширган дон 600 тоннага яқинлашиб қолди.

Туман бўйича ҳар гектар ердан ҳосилдорлик ўртача 42 центнердан ортди. Қибрайликлар ўз имкониятларини чамалаб, яна 1500 тонна дон топширишга аҳд қилдилар.

Воқсевар, хабарлар, ширинликлар



Дала сеҳри

Дехқон зўр иштиёқ, ихлос билан дон сочар экан, бу билан у элнинг ризқ-рўзига, мўл-кўлчиликка йўл очган бўлади.

Оҳангарон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ана шундай дехқонлар меҳнат қилишмоқда. Улар 1368 гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштиришди. Ҳар гектардан 35, олди майдонларда 40 центнердан ошириб ҳосил йиғиб олишмоқда. Бунда Карим Мўминов (суратда чапдан ўнганга), Мамат Тўйчиев, Турғун Абдураимов, Абдували Ойнакулов сингари ғаллакорларнинг хизмати каттадир. Иккинчи бўлим

бош ижарачиси Умарқул Мадийров, шунингдек, ғаллакорлар Турғун Алимов, Дамин Мирзавалиевлар ҳамкорликда меҳнат қилиб, дондунни тезроқ саранжомлаб олиш чораларини кўрмоқдалар. Шу мақсадда далада ишлаётганларга зарур шароитлар яратилмоқда. Дарҳақиқат, унумли меҳнатдан сўнг хордиқ чиқариб, рўзномаларни ва рақлаб, кундалик янгиликлардан хабардор бўлишга нима етсин.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ғаллакорлари ҳар бир кунни ана шундай мазмунли ўтказмоқдалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.



КОРЕЯ ОЛТИН ЮЛДУЗИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК РАССОМГА БЕРИЛДИ

Ўзбекистонлик рассом Николай Шинга Корея Республикасининг энг юксак мукофоти — Олтин Юлдуз ордени берилди. Рассомнинг 75 та асари шу кунларда Сеулдаги замонавий санъат миллий музейининг икита залида намойиш қилинмоқда.

Бу ерда нима қилиб юрибсиз, Сизни ким бу кўйга солди, отахон, — сўрабди ўғли.

— Кимдаким дунё молига ҳирс қўйиб, йғиса, шубҳасиз мушук сичқонни поймагандек, бойлиги атрофида саргардон юради, — дебди отаси.

Шундан сўнг ўғиллари отадан қолган бойлиқни бевабачоралару мадраса талабаларига тақсимлаб бериб, нафси амморини чеклаб, ишқи илоҳий йўлда фидоийлик билан рибзат қилиб, яшай бошлабдилар.

дим. Бу мукофотга фақат Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, бу мамлакатнинг меннинг шахсий кўргазмамини уюштирган маданият ва спорт вазирлиги туфайлигина эмас, ўз республикам туфайли ҳам сазовор бўлдим.

Николай Шиннинг Сеулда намойиш қилинаётган асарлари орасида буюк ўзбек шоири Алишер Навоий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўргимчак индидаги атиргул» ва корейсларни Ўрта Осиёга кўчириш билан бўғлиқ 1937 йилги Ғожаевий воқеаларга бағишланган «Реквием» асарлари бор.

Ҳозирги даврда Николай Шин чизган суратлар Москвадаги давлат Третьяков галереясида, Новосибирск ўлкашунослик музейида, АКШ, Англия, Хиндистон, Япония ва Белгия музейларида намойиш қилинмоқда.

(Ў.А.)

Режани бажарганлар

Кибрай

БИРЛИКДАДИР ЮТУҚ БОИСИ

Ҳаммамиз яхши биламиз. Ғалла мустақиллиги учун кураш бошлангани, ҳар йили 40—45 центнерлик маррани эгаллашни аҳд қиламиз. Шу мақсадда режалар тузамиз, тадбирлар белгилаймиз. Лекин очигини айтганда, айрим жамоалар, бригадалар бундай ҳосилдорликка эришляпти-ю, бироқ, баъзи жойларда, айниқса, туманларда бу мақсадга эришиш анча қийин кечапти.

Кибрай тумани миришкорлари эса бу қийинчиликни мардонга меҳнатлари билан енгдилар, десак бўлади.

Улар бунга амалий ишлари, амалий тадбирларини ҳаётга изчиллик билан тадбиқ этишлари билан эришмоқдалар. Улар, энг аввало, ота-боболаримизнинг эрта эккан катта хирмон уяр деган нақлига қатъий амал қилдилар. Кузда бугдой майсалари қондириб сугорилди. Урғу яхши танлангани учун кетарларда тўлиқ кўчат ҳосил этилди.

Айрим дехқонлар билан суҳбатлашганимизда, улар гектарига унча уруғ солдик, бунча уруғ сепдик, деб айтишди. Лекин, ялпи ҳосилдорлик қанча бўлди, десангиз, бошларини кўйи солишди. Чунки, улар ўзларини ўзлари алдаган бўлиб чиқадилар. Туман ғаллазорларини озиклантиришда, экинзорларга рибзоладек ўғитни ўз муддатида, ўз миқдориде солиш қатъий назорат қилиб борилади: гектарига ўртача 600—650 килограммгача селитра солинади. Эрта баҳорда — қор устида ҳамда март ойида бугдой майсалари туплардан даврда озиклантириш яхши самара бери.

Ғаллачилик — бу шундай тармоқки, ҳосил пилд этилган пайтда тез муддатда ўриб олмасангиз, маълум миқдордаги ҳосилни йўқотасиз. Демакки, урим тақдир асосан техникага боғлиқ. Туман ҳокимлиги ўтган йиллардаги тажрибадан келиб чиқиб, йўл қўйилган хатолардан ҳулоса чиқариб, мавжуд техникаларни соғалашга алоҳида эътибор берибди. Айниқса, туманда сервис хизмати ни ташкил этиш соҳасида қўйилган дастлабки қадам яхши самара берди. Хўжаликлар бирлашибди, битта «Кейс» машинаси сотиб олишди ва у мавсум давомида 5—6 та «Нива» ва «Енисей» машиналарини ишга бажарди. Бундан ташқари, туман трактор заводи билан келишиб бешта трактор сотиб олинди. Бир кеча-кундузда 40 гектар майдонни ҳайдайдиغان «Могум» русумли кучли хайдов трактори ҳам техника хизмати кўрсатиш идораси йўли билан хўжаликлар юмушини бажара бошлади. Бу фермерлар ва шахсий хўжаликлар учун, айниқса, асосдир. Чунки, улар муҳтаб, бевосита туман техника хизмати кўрсатиш идораси ёрдамига таяна бошладилар.

Бу ва бошқа қўрилган тадбирлар, олиб борилган катта ташкилотчилик ишлари, дехқончилик мада-

Зангиота

МЎЛЖАЛ ТЎҒРИ ОЛИНГАН ЭДИ

Туман жамоа хўжаликлари ҳеч қачон бунчалик кўп майдонда ғалла етиштирмаган эдилар. Ўтган йили энг серҳосил 2320 гектар майдон танланди, октябрь ойидаёқ бугдойнинг «Қалдирғоч», «Санзор», «Интенсив» ва «Спартанка» навлари экилган, қиш фасли келгунча ҳар гектар ерга 200—250 килограмм суперфосфат солинган ҳамда ниҳоллар икки марта қондириб сугорилган эди.

БаҲОРНИНГ илк кунларидан экинга ишлов бериш бошлаб юборилди. Ниҳоллар яна маъданли ўғитлар билан озиклантирилиб, 3 марта қондириб сугорилди. Натижада ғалла майсалари барвақт наҷаллади, бошоқ чикарди, эрта пишди.

Ўрим-йиғимга пухта тайёргарлик қўрилгани, техниканинг сифратли таъмирлангани ва улардан ўрим даврида самарали фойдаланилгани ҳам мавсум салмоғини белгилаб берди. Туман хўжаликлариде шу кунларда 16 та «Енисей» ва «Нива», шунингдек, иккита «Кейс» қомбайнларидан унумли фойдаланилмоқда. Ўрим икки сменада олиб бориляпти. Булардан ташқари, туман ва хўжаликларда меҳнатга ҳақ тўлаш ва илгорларни моддий рағбатлантириш тўғри йўлга қўйилгани ҳам ҳал қилувчи омил бўлди. Туман ҳокимлиги ҳамда кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳар беш кунда хўжаликлар ўртасидаги мусобақага яқун қилибди, ғалла ўрими ва дон топширишда энг яхши натижага эришган, биринчи ўринни эгаллаган хўжаликларга 10 минг сўмдан, иккинчи ўринни эгаллаган жамоа хўжалигига 7 минг сўм, учинчи ўриндаги хўжаликка эса 5 минг сўмдан мукофот пули бериб боряпти. Жойларда далада ишлаётганларга унумли меҳнат қилишлари ва яхши хордиқ чиқаришлари учун барча қулай шароитлар яратилгани, илгор қомбайнлар ва транспорт ходимлари моддий рағбатлантириб бориляпти, мусобақанинг таъсирчан кучидан самарали фойдаланилаётгани ҳам ўрим сурьятини оширишга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Туманда шу кунгача мавжуд 15 та жамоа хўжалигидан 12 таси дав-

латга дон сотиш режасини ошириб бажарди. «Бўзсув» ва «Эркин» хўжаликлари режага қўшимча 100 тонна, «Назарбек», «Ўзбекистон», «Иттифок», «Алишер Навоий номли жамоа хўжаликлари эса шартномада белгиланганидан 50 тоннадан ошириб, сифратли дон топширдилар.

«Бўзсув», «Эркин», «Зангиота», «Наврўз» жамоа хўжаликлари ҳар гектар ердан 40—45 центнердан хирмон кўтармоқдалар.

— Даладарда ўрим-йиғим тез сурьатлар билан давом этапти, — дейди туман ҳокими Ҳасан Нурматов. — Жамоа хўжаликлари ўз зиммаларига давлатга яна 600 тонна дон сотиш мажбуриятини олдилар. Айни пайтда кузда экиш учун уруғлик дон тайёрлаш ҳам бошлаб юборилди. Хўжаликлар ўзлари эккан 3—4 хил навли бугдойнинг энг сараларини танлаб, уруғлик тайёрлайдилар. Бу эса келгуси йил ҳосили учун салмоқли замин бўлади. Туманда ўрим-йиғим давом этаётган бўлса ҳам ғалладан бўшаган майдонлар ҳайдалиб, тақоррий экинлар экиш бошлаб юборилди. Дехқонлар 600 гектардан кўпроқ майдонга турли хил сабзавот ва силос учун мажмажўхори, шунингдек, 300 гектар ерга кузги картошка экадилар. Тақоррий экин хўжаликларнинг даромадини кўпайтириш, дехқонларнинг моддий манраатдорлигини ошириш учун катта имконият беради.

Рафиқ ТУРСУНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ҲИКМАТЛАР АТТРИЁТТИ

НАҚЛ қилишларича бурунги ўтган замонда бир бадавлат одам яшаган экан. У умр бўйи йиққан бойликларини олтин тангаларга айлантириб, бир ҳаманга тўплаб юрар экан. Иттифоқо ўша давлатманд вафот этибди. Кунлардан бир кун ўғилларидан бири туш кўрса, отаси мушукка айланиб қолган эмишу ўша ашрафий тангалар солинган ҳамённи берикитган жой атрофида айлиниб юрганмиш.

«Бўзсув», «Эркин», «Зангиота», «Наврўз» жамоа хўжаликлари ҳар гектар ердан 40—45 центнердан хирмон кўтармоқдалар.

— Даладарда ўрим-йиғим тез сурьатлар билан давом этапти, — дейди туман ҳокими Ҳасан Нурматов. — Жамоа хўжаликлари ўз зиммаларига давлатга яна 600 тонна дон сотиш мажбуриятини олдилар. Айни пайтда кузда экиш учун уруғлик дон тайёрлаш ҳам бошлаб юборилди. Хўжаликлар ўзлари эккан 3—4 хил навли бугдойнинг энг сараларини танлаб, уруғлик тайёрлайдилар. Бу эса келгуси йил ҳосили учун салмоқли замин бўлади. Туманда ўрим-йиғим давом этаётган бўлса ҳам ғалладан бўшаган майдонлар ҳайдалиб, тақоррий экинлар экиш бошлаб юборилди. Дехқонлар 600 гектардан кўпроқ майдонга турли хил сабзавот ва силос учун мажмажўхори, шунингдек, 300 гектар ерга кузги картошка экадилар. Тақоррий экин хўжаликларнинг даромадини кўпайтириш, дехқонларнинг моддий манраатдорлигини ошириш учун катта имконият беради.

ортиқдир. Юзлаб қасидаю мингдан зиёд ғазалларни ўз ичига олган шейрлар девони бизга қадар мукамал етиб келмаган. Адбиднинг насрий асарларидан фақат «Тазкирот-ул-авлиё»-гина бизгача тўла сақланиб қолган. Шоир 1221 йили Нишопурда вафот этди. Замонасининг кўп шоуу содагонлари Аттори ўз даргоҳларига тортмоқчи бўлган. Лекин, мутававвуф шоир бу тақлифларни рад этиб, ота дўкониде умргузворлик қилган.

Фариқиддин Аттор ўз ғазалларию рубойларида кўпроқ мажозий ва ҳақиқий ишқни тарғиб этган, ирфоний маърифатни мўъминлар руҳига синдиришга интилган. Аксарият ғазалларида шоир ҳаё маъбудасини мадҳ этади, ундан нозу қарашмали висол наъларини дариг тутмаслиқни, ҳеч бўлмаса, жаврини кам қилмаслиқни илтижо этади. «Офтоб», «Бу кеча», «Дам урмагил», «Келибдур», «Биздан», «Ишқинг» каби радиқий ғазалларида ишқ дардида «қалби бирён», «дида ғирён», «жигарсузон» бўлган ошқининг рангбаранг руҳий холатлари, изтиробу шодликлари ўйноқи байтларда гоғта нафис тасвирланди. Табиат жозибаси, Наврўзи оламнинг бетакрор фусункорлиги вафот этилган:

Надидам ҳеч вақте лаъли хондонаш,
Ки хун аз чашми ғирёнам наёмад,
Чи тобе буд дар зулфи чу шасташ,
Ки он сад бор дар жонам наёмад.
Басе дастон бикардям, лек дар даст,
Сари зулфаш ба дастонам наёмад.
Сари зулфаш басе дорад раҳи дур,
Вале яқ раҳ ба пойнам наёмад.

(Лаълининг ҳақ кўрмадим, шунинг чун кўзимни қон ёши-си кўрмадим. Зулфинг гагаги тобланган билан, жонимга бир ором бермади. Кўлларини неча илтижо билан узатсам ҳам, сочлари кўлимга келмади. Зулфига етмоқ йўли, олис

асар таркибидаги «Шайх Санъон» қиссасида дунёвий севги таомиллари хийла кучлидир. Буни биз Шайх Санъон томонидан Тарсодухтар қўйган шартларни бажаришдаги садоқати, охир-оқибатда насроний қизнинг ҳам мўъсафид фидоийлигига ақс жавоби, уни излаб Мақкага бориши лавҳалари тасвирида кузатамиз.

Юқорида таъкидланганидек, ахлоқий-таълимий моҳиятдаги «Асрорнома» Жалолиддин Румийга бағишланган. Зеро, Румий отаси билан ҳаж сафари пайтида бир неча кун Нишопурда Аттор суҳбатларидан баҳраманд бўлган, унинг меҳрини қозонган. Румийдаги билимга чанқоқлик, туран мушоаҳада ҳалимлик шоирга хуш ёққан. Жалолиддин Румий ҳам ўз асарларида Атторни кўп тилга олади, ундан мурувват кўрган, фазл топанлигини алоҳида удқиради. Ун икки мақоладан иборат бўлган мақсур достонда тасаввуф таълимоти ҳақида маълумот берилади. Суфизм истилоҳлари шарҳланади, жавонмардлик таълимоти кенг изоҳланади. Мақолатларда келтирилган ҳикоятларда Аттор ақл-заковат, ҳушёрлик, сир саклаш, яхшилик, эҳсон, ширинсуханлик, ростўйлик, вафодорликни ташвиқ этиб, зулм, ғафлат, гаразғўйлик, фитна, гийбат, ёлғончилик ва гина-қудратни танқид қилади.

Фариқиддин Аттор суфизмдаги солиқ ва пир муносабатларини муқаддима ва хотимадан ташқари 40 мақола (бобдан) иборат «Мусибатнома» достониде хийла батафсил ёритган. Достон инсоннинг нутфадан пайдо бўлиб, то камолот чўққисига етгунча қадар бўлган босқинчи батафсил тасвирлашга бағишланган. Инсон балоғат ёшига етган, ўз аслини англаш пайига тушади. Оламнинг тузилишини ақл тарозуси билан ўлчаб бошлади. Шунда уни тўғри йўлдан бошловчи бир пир пайдо бўлади. Шоир ана шу раҳнамо тилидан суфизм тарафдорни, шоғирд-солиқнинг қандай бўлишини, бурч ҳамда вазифаларини бирма бир баён этади. Натижада ўзининг ҳаёт ва коинот, инсоннинг ўзлигини таниши, халққа етмоқ

Маънавиятимиз сарчашмалари

иши ўнгидан келмай, қилмишидан афсус, надоматлар чекиб дунёдан ўтибди. Ношукурлик, нотежамлик, такаббурлик уни шу кўйга солибди.

Бу икки ҳикоят форс-тожик адабиётининг даҳоларидан бири, Шарқнинг буюк мутафаккири Фариқиддин Атторнинг «Илоҳийнома» китобида зикр этилган. Шоир асарларини кўздан кечирар эканмиш, уларда инсонларни раҳмоний йўлга даъват, шайтоний йўлдан парhez қилишга ундаш етакчи йўналиш эканлигини билиб оламиз.

Бўлажак нуктадон санъаткор Фариқиддин Абўхамид ибни Абубакр Иброҳим 1145 йили Нишопур вилоятининг Қадақон қишлоғида аттор ва табиб оиласида дунёга келди. Бир шеърда Аттор доришунос ва дўкондор бўлган «отам хузурига баъзан беш юз киши тўпланарди», дейди. Адиб болалиги ана шу шоирю филозо, олимю ҳозиклар даврасида ўтди, ҳусусий муаллимдан замонасидаги барча билимларни ўрганди. Бир тўртлигида Аттор билимларининг поясини «фиҳр, тафсир ва ҳадис ташкил этади» деган бўлса-да, Нишопур ва Машҳад мадрасаларида тахсил қўриб, нуҷум, ҳайрат, табобат, фалсафа, мантик каби билимларда ҳам камолот касб этди. Забардаст шоир, олим, ҳатто, машойих даражасига етди. Аммо, ота касби дорифурушлик, атторлик билан кун қурди. Фариқиддин дўкондорлик билан бирга муттасил бадиий, илмий ижод билан шуғулланди. Барча таъқирнавислар унинг меросини 71—149 та асардан иборат, деб қўрғатишади. Лутғалибек Озар «Мусибатнома», «Илоҳийнома», «Асрорнома», шоғирди Жалолиддин Румийга бағишланган «Мухторнома», «Мантиқут тайр», «Хусравнома», ғазаллар девонию рубойларининг миқдори 50 минг байт, деб таъкидлаган. Шоир рубойларининг ўзи 5000 байтдан

бўлгани учун, бу йўл бизга ҳечам яқин келмади). Бошқа бир ғазалида шоир «ёрим дардида бир оҳ тортсам, даҳонимдан чиққан тутундан оламни зулмат қоплайди» — дейди. Баъзи ғазалларида шоир ҳақиқий ишқни ўзига хос йўсинда тасвирлаб, китобхон қалбиде ҳақ нурига талпиниш ҳиссини ўйғотса, қатор шеърларида замона иллати-ю кишилар яратган юз берадиган қазобликни рўйроқ танқид қилади, шайтоний йўлдан раҳмоний йўлга киришликка даъват этади.

Аммо, Фариқиддин Атторга жаҳоний шўҳрат келтирган асарлар унинг рубойлари, маснавийларию «Тазкирот-ул-авлиё»-сидир. Зеро, бу асарларида адиб бир томондан суфизм таълимотидаги таваққул, ишқ, маърифат, шарият, тарикат, шукр, ризо, қаноат, нафс, тавҳид, ҳақиқат, адолат, ҳиммат, хайр-сахо, жавонмардлик сингари талаб ва йўлларни ташвиқ этади, мутлақ гоғта етмоқ учун заҳмат-риъзат чекмоқ шартлигини ўқтиради, иккинчи томондан эса, ўз илмий-назарий фикрлари, таълимотини асослаш, тасдиқлаш учун тарихий воқеалардан, ўз ҳаётий тажрибаларидан, ўтмиш машойихлари кечмишларидан юзлаб ҳикоятлар, масаллар, маънавийлар келтиради. Жумладан, «Илоҳийнома» достонидеги воқеалар асосини 6 ўғилнинг отаси билан савол-жавоби ташкил этади. Ўғиллар мажозий тимсоллар бўлиб, нафс, шайтон, ақл, илм, фаҳр ва тавҳидни билдиради. Савол — жавоблар асосида санъаткор ўзидан олдин ўтган машойихлар, тарихий шахслар ҳамда замондошларни ҳаёти билан боғлиқ 282 та ҳикоят келтиради. Уларнинг айримлари тарихий ва илмий аҳамиятга ҳам моликдир. Жумладан, Фариқиддин Турғоний, Маҳаста Хўжаандий, Робиа Балқий ҳақидаги ҳикоят ривоятлар бу санъаткорлар ҳаёти, ижодий фаолиятини яратишда ҳам қимматлидир.

Гарчи шоир «Мантиқут тайр» достониде ўттизта қуш саргузашти орқали ишқи илоҳийни қўйлаган бўлса-да, аммо, учун ҳис, ҳаёл, ақл, дил ва жон водийларини босиб ўтиш ҳусусидаги, ақлий ва қалбий фикр ҳақидаги мураккаб назарий мулоҳазаларини изҳор этади. Булар «Бахлул», «Мажнун», «Девона қиссаси», «Нух ибни Мансур», «Масъуд Ғазнавий», «Хизматкор ва шоҳ қиз», «Наср бинни Аҳмад» сингари 340 та ҳикоят ва масаллар орқали тасдиқланиб, зийнатланиб борилади.

Муаллиф нафс ва уни асраш, маърифат ва одамийлик, саховат ва жавонмардлик ҳусусида «Мухторнома»-да фикр юритар экан, юздан ортиқ суфистик истилоҳларни изоҳлаб-шарҳлаб ўтади. Замонасидаги айрим ҳужумкорлар, уламолару руҳонийларда учрайдиган зулм, розолат, риёкорлик, фисқу фужур, ҳаромқўрлигу таъмарғилиқни қаттиқ қоралайди. «Мухторнома» суфизм назариясига доир жиддий қўлланма бўлиб билан бирга, пирю солиқ ўртасидаги садокат ҳусусидаги бир панднома ҳамдир. «Хусравнома» достонни ҳам ижтимоий-фалсафий, ахлоқий таълимий, қомил инсон масалаларига бағишланган.

Аттор ижодининг фалсафий, ирфоний жиҳатларини олимлар маҳсуу ўрганишган. Профессор Н. Комиллов «Илоҳийнома»-нинг бир қисмини насрда таржима қилиб, «Тавҳид асрори» тадқиқоти билан (1994) бирга нашр эттирди. Олим Маҳкам Маҳмудов «Аттор ва Навоий» номли мақола эълон қилди.

Юртимизда маънавият ва маърифат тарғиби, таълимига маҳсуу эътибор берилётган шу кунларда бобомиз Навоийдек даҳоларни ўзига ром этган Фариқиддин Аттор ижодини ҳар томонлама ўрганиб, тарғиб этиш фақат наф келтиради, ҳолос.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ, филология фанлари доктори, профессор.

